

“Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш вазифаси умумий устувор йўналишга айланиши керак” – Президент муурожаатидан...



Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда бўлиб ўтаётган Афғонистон бўйича халқаро конференция иштирокчиларига муурожаатида, жумладан, шундай деди:

– Амударёнинг нариги соҳилида тинчлик бўлмаса, Ўзбекистонда ҳам, Марказий Осиё минтақасида ҳам хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди. Афғонистоннинг халқаро майдонда яққалаб қўйилиши гуманитар вазият янада ёмонлашувига олиб келиши муқаррар, шу боис бунга йўл қўймаслик даркор. Гап миллионлаб инсонлар тақдири ҳақида боряпти.



Давлат бошқарувида афғон жамиятининг барча қатлами вакиллари кенг иштирок этадиган таркибни шакллантириш, инсон, айниқса, хотин-қизлар, барча миллий ва диний гуруҳларнинг асосий ҳуқуқи, эркинлигини таъминлаш Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик ўрнатишнинг фундаментал асоси бўлиб қолмоқда.



Биз Афғонистоннинг ҳозирги ҳукуматиини терроризмнинг ҳар қандай шакли ва кўринишининг олдини олиш ва салбий ҳолатларга қарши курашиш, барча халқаро террорчилик ташкилотлари билан алоқани батамом узиш йўлида қатъий ирода намоён этиб, кескин чоралар кўришга чақирамиз.

Манба